

Ҳ У К М  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2023 йил 17 февраль

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,  
раислик қилувчи З.Омонов,  
судья ёрдамчиси З.Эргашевнинг котиблигида,  
тарафлардан прокурор ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов, жабрланувчилар  
Ж.Урайимжонова, С.Умурзакова, Н.Абдуманнопова ва И.Комилов  
қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-  
қисми “б” банди билан айбланган,

Мўминов Ахроржон Машрабжон ўғли (Mo`minov  
Aхrорjон Mашрабjон о`g`li), 1991 йил 20 октябрь куни  
Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон  
Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус,  
оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам ЖИБ  
Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 20 декабрь кунги  
ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят  
кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан  
судланиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси  
тайинланган, ЖИБ Қува тумани судининг 2022 йил 2  
март кунги ажримига кўра, Жиноят кодекси 73-  
моддасига мувофиқ, ўталмай қолган 11 ой 14 куни  
ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан  
илгари шартли озод этилган, мавсумий ишчи, Қува  
тумани, Раста МФЙ, Зиёлилар кўчаси 12-уйда  
яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси  
қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 19  
январь куни олганга оид,

1-1511-2301/14-сонли жиноят ишини ўз биносида, очиқ суд мажлисида  
кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувини, тарафлар  
музокараси, судланувчининг ҳимоя ва охирги сўзини тинглаб, жиноят  
иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб,  
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Мўминов Ахроржон хавfli рецидивист бўлгани ҳолда,  
такроран ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли  
билан қўлга киритиб, фирибгарлик жиноятини содир этган.

Жумладан, судланувчи А.Мўминов 2022 йил июль ойида таниши  
Ж.Урайимжоновадан унга кредитга уяли телефон аппарати олиб берса,  
кредит қарзини ўзи тўлашини айтиб, уни алдаб, Ж.Урайимжонова номига



нархи 1.980.000 сўмлик “Red Mi” русумли уяли телефон апаратыни кредитга сотиб олиб, сўнг ўзи телефонни номаълум шахсга сотиб юбориб, қўлга киритилган пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Мўминов 2022 йил 15 июль куни таниши С.Умурзакованинг ишончига кириб, унга Қува тумани, Маданият МФЙ биноси ёнидан фойдаланишга хона ажратиб бериши ва ушбу хонанинг хужжатларини расмийлаштиришини айтиб, уни алдаб, ундан 1000 АҚШ долларини (жиноят содир этилган вақтда 1 АҚШ доллари×10.950.29 сўмдан, жами 10.950.290 сўм) фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи А.Мўминов такроран, 2022 йил июль ойида таниши Н.Абдуманноповага унинг фарзандини Тошкент шаҳридаги ЖАР спорт мажмуаси махсус мактаб интернатига ўқишга киритиб қўйишни айтиб, уни алдаб, жабрланувчи Н.Абдуманноповадан жами 1.000.000 сўмни фирибгарлик йўли билан олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Шунингдек, судланувчи А.Мўминов такроран, 2022 йил август ойида таниши И.Комиловни алдаб, унинг қариндошларини туман ҳокимияти орқали имтиёзли асосда “умра сафари”га юборишини айтиб, жами 54.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Судланувчи Мўминов Ахроржон судда ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб, ўзи муқаддам фирибгарлик қилгани учун судлангани, пул топиш учун 2022 йил июлда таниши Ж.Урайимжоновадан номига кредитга телефон олиб унга берса, кредит қарзини ўзи тўлашини айтиб, Ж.Урайимжонованинг номига нархи 1,9 млн. сўмлик “Red Mi” телефонни кредитга олиб, сўнг телефонни бошқа шахсга сотиб, пулларни ўз эҳтиёжига сарфлагани, 2022 йил 15 июль куни таниши С.Умурзаковага Қува тумани, Маданият МФЙ ёнидаги хонадан фойдаланиш учун хужжатларни расмийлаштириб беришни айтиб, ундан 1000 АҚШ доллари олиб, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатгани, 2022 йил июль ойида охирида таниши Н.Абдуманноповага унинг ўғлини Тошкент шаҳар ЖАР спорт мажмуасидаги махсус мактаб интернатга ўқишга киритиб қўйишини айтиб, ундан 1 млн. сўмни олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборгани, аммо Н.Абдуманнопова Тошкент шаҳрига бориш-келиш, ўғли ва ўзининг Тошкент шаҳрида яшаш ҳамда овқатланиш харажатларини ҳам ундан ундириш мақсадида, дастлабки терговда 2000 АҚШ доллари бергани ҳақида нотўғри кўрсатув бергани, ўзи 2022 йил август ойида И.Комиловга, унинг уч нафар қариндошини туман ҳокимияти орқали, “умра сафари”га юборишини айтиб, ундан 54 млн. сўмни олиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборгани, ҳозирда содир этган қилмишларидан қаттиқ пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплаганини айтиб, ўзи гаровга топширган 6.000.000 сўмни С.Умурзақовага етказилган моддий зарарнинг қолган қисмини қоплашга ўтказиб, суддан ўзига енгиллик беришни илтимос қилди.



Жабрланувчи Урайимжонова Жумагул судда кўрсатув бериб, судланувчи А.Мўминов таниши экани, 2022 йил июль ойида судланувчи ундан кредитга телефон олиб берса, кредит қарзини ўзи тўлаб қўйишини айтиб, уни ишонтиргани, шунда ўзи бунга рози бўлиб, Қува туманидаги “Ишонч савдо дўкони”дан ўзининг номига нархи 1.980.000 сўмлик “Red Mi” номли телефонни кредитга олиб, уни А.Мўминовга бергани, аммо судланувчи кредит қарзини тўламай, ҳар-хил баҳоналар қилиб уни алдаб юргани, шунда ўзи алданганини билиб, А.Мўминов устидан ИИБга ариза қилгани, ҳозирда А.Мўминов ўзига етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, шу сабабли судланувчига даъвоси йўқлигини баён этди.

Жабрланувчи Абдуманнопова Наргизахон судда берган кўрсатувида, судланувчи А.Мўминов унга 2011 йил 16 сентябрда туғилган ўғли Ш.Ғуломжоновни Тошкент шаҳар ЖАР спорт мажмуасидаги махсус мактаб интернатга ўқишга киритиб қўйишини айтиб уни ишонтиргани ва 2022 йил июль ойи охирларида ундан имтиҳон харажатлари учун деб, 1 млн. сўм пул олгани, шундан сўнг ўзи ўғли билан Тошкент шаҳрига бориб, у ерда бир неча кун ижарада яшагани, аммо ўғли имтиҳондан ўта олмай ўқишга қирмагани, сўнг Тошкентдан қайтгач, ўзи А.Мўминов уни алдаганидан жаҳли чиқиб ўғли билан Тошкентга бориш учун йўлқира харажатлари, шунингдек, у ерда яшаш ва овқатланишга кетган барча сарфларини ҳисоблаб, ИИБга ёзган аризасида судланувчи ундан 2000 АҚШ доллари олганини ёзгани, аслида судланувчига юқорида айтганидек 1 млн. сўм бергани ва ўзига етказилган моддий зарар А.Мўминов томонидан тўлиқ қоплангани, шу сабабли унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этди.

Жабрланувчи Комилов Иқболжон судда кўрсатув бериб, 2022 йил август ойида судланувчи А.Мўминов ундан жами 54 млн. сўмни яқин қариндошларини туман ҳокимлигининг имтиёзи асосида Саудияга умра сафарига юборишини айтгани, ўзи унинг гапига ишониб, судланувчига у сўраган пулларни бергани, аммо бирорта қариндоши Саудияга бора олмагани, шундан сўнг ўзи А.Мўминовнинг устидан ИИБга ариза қилгани, терговда судланувчи унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, шунинг учун судланувчи А.Мўминовга нисбатан даъвоси йўқлигини баён этди.

Жабрланувчи Умурзакова Сорахон судда, А.Мўминов унинг таниши экани, 2022 йил июль ойида, А.Мўминов унга Қува тумани, Маданият МФЙ идораси ёнидаги бўш хонани унга фойдаланиш учун олиб беришини айтиб, бунинг учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга 1000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, сўнг ўзи бунга рози бўлиб, судланувчи сўраган пулларни унга бергани, кейинчалик А.Мўминов уни алдаганини билиб, туман ИИБга ариза қилгани, ҳозирда ўзига етказилган моддий зарар қисман яъни 5,3 млн. сўми қопланганини айтиб, А.Мўминовдан қолган 6 млн. сўм миқдоридagi пулини ундириб, унга қонуний чора кўришни сўради.



Судланувчи А.Мўминовнинг баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг ўз қилмишига қисман иқрорлигидан ташқари, жиноят ишида мавжуд хабарнома, жабрланувчиларнинг аризалари, терговга қадар ўтказилган суриштирувда тўпланган хужжатлар, олинган тушунтириш хатлари, дастлабки терговда ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракатлари баённомаси, Қува тумани ҳокимлигининг маълумотномаси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.Мўминовнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, А.Мўминов хавfli рецидивист бўлгани ҳолда, такроран ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчиларнинг пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд, судланувчи А.Мўминовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг ёшлиги, айбига иқрор ва пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларнинг қоплангани ва уларнинг судланувчига ҳеч қандай даъволари йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, А.Мўминовга у айбланган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-шунингдек, унга ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 22 декабрь кунги ҳукми билан тайинланган ва ўташдан шартли озод этилган 11 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шартлилигини бекор қилиб, уни янги тайинланган жазога Жиноят кодекси 60-моддасига асосан қисман қўшишни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, судланувчининг аризасига мувофиқ унга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси учун топширилган ва АТИБ “Ипотека банки” ИИБ ҳисоб-рақамида сақланаётган 6.000.000 сўм пулларни жабрланувчи С.Умурзакова фойдасига ундиришни;

-Қува тумани прокурори томонидан киритилган даъво аризасида кўрсатилган моддий зарарлар судланувчи А.Мўминов томонидан жабрланувчиларга қоплаб берилганини эътиборга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Мўминов Ахроржон Машрабжон ўғли (Mo`minov Aхrорjон Mashrabjон o`g`li), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли топилсин.

Судланувчи Мўминов Ахроржонга Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ойлик иш ҳақини 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 2 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Жиноят кодекси 60-моддасига мувофиқ, А.Мўминовга муқаддам тайинланган ва ўталмаган 11 ой 14 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси янги тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони ижро этиш Қува тумани ИИБ пробацция бўлимига юклатилсин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ пробацция бўлими томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати маҳқум пробацция бўлими томонидан ҳисобга олинган кундан бошлансин.

Судланувчи А.Мўминовга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров учун топширилган, АТИБ “Ипотека банки” Фарғона филиалининг вилоят ИИБ ҳисоб-рақамида сақланаётган 6.000.000 сўм пуллар моддий зарарни қоплаш учун жабрланувчи С.Умурзакова фойдасига ўтказилсин.

Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани эътиборга олинсин.

Жабрланувчиларга етказилган маънавий зарарлар бўйича тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилингач, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олгач йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи :

З.Омонов

